

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ўзбекистон жумҳурияти иив ҳайъати нашри

25 ФЕВРУАРИ
Конунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 1 (2421)

1992 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ

ШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА 10 ТИИИН, СОТУВДА 25 ТИИИН.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ
ТҮГРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР
РЕФЕРЕНДУМ ВА УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
НАТИЖАЛАРИ ТҮГРИСИДА МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ

АҲБОРОТИ

1991 йил 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Қ. А. Аҳмедов раислигида бўлиб ўтган мажлисида Республика Референдуми ва Узбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари чиқарилди.

Республикада сайлов умуман уюшқоқлик билан, Узбекистон Референдуми түгрисидаги Конун ва Узбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисидаги Конун талабларига мувофиқ ўтди, унда фуқаролар ғоят фаоллик кўрсатдилар. Овоз бериши натижалари түгрисида округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқсан Марказий сайлов комиссияси республика худудида тузилаган 13 та сайлов округининг барча 6994 та участкасида овоз берилганини аниқлади.

Республика Олий Кенгаши эълон қилган Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қувватлаб 9718155 киши ёки овоз бериша қатнашганларнинг 98,2 фоизи, овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси «Узбекистон Республикаси Референдуми түгрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунининг 26-моддасига асосан қарор қилди:

Республика Олий Кенгаши эълон қилган Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини бутун ҳалқ маъқуллаганини эътироф этилсан.

Узбекистон Республикаси Президент сайлови муқобиллик асосида ўтди, президентлик лавозимига иккى номзод овозга қўйилди. Ислом Абдуганиевич Каримов номзоди учун 8514136 киши ёки овоз бериша қатнашганларнинг 86,0 фоизи, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди учун 1220474 киши ёки овоз бериша қатнашганларнинг 12,3 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Узбекистон Республикаси Президенти сайлови түгрисидаги Конунининг 35-моддасига асосан қарор қилди:

Ислом Абдуганиевич Каримов Узбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди, деб ҳисоблансан.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭРКИН НАРХ БЕЛГИЛАШ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА

Нарх-наво ҳамон ошиб, бораётганини ва шу муносабат билан аҳоли манфаатларини ҳамда турмуш даражасини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳали таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, давлат муассасалари ва уй-жой-коммунал тармоқ ҳодимларининг иш ҳақи 1991 йилдагига нисбатан 2 баравар ва асос қилиб олинган (1990) йилга нисбатан 4,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўкув юртлари студентларининг, техникумлар ҳамда жумҳурият ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва овқат билан таъминланмаётган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 2,2 баравар оширилиб, имтиёзли овқатланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинисин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Узбекистон Республикаси худудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори (компенсацияни ҳисобга олиб) ойига 350 сўм белгилансин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олиномайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 350 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Вазириллар, идоралар, корхоналар ва хўжаликлар ушбу Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасини ҳисобга олиб, эркин ва шартномавий нархлардан кенг фойдаланилаётганигини назарда тутиб, 1992 йилда ишловчиларнинг иш ҳақи янада оширилишини таъминловчи

тадбирларни рўёбга чиқаришини, истеъмол фонди бўйича илгари белгиланган ҳар қандай чеклашларни бекор қилишини, ишлаб чиқаришни ўстиришининг мавжуд заҳираларини жалб этишини кўзда тутишнлар.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтнёзлар бериш», юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь Фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб жумҳурият мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячиларига, ўқитувчиларига, ҳунар-техника таълими системаси муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими устапарига ҳам жорий этилсан.

7. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазириллар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лоийасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсан.

8. Узбекистон Республикаси Адлия вазириллиги бир ой муддат ичидаги қонунчиликни мазкур Фармонга мувофиқлаштириш ҳақида тақлифлар тайёрласин.

9. «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари түгрисида»ги Узбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 16 ноября 29-сон Фармони ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

Узбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри,
1991 йил, 29 декабрь.

ГУМ БЎЛГАН ТЕМИР САНДИҚ



МИННАДОРМИЗ

Мен милиция ходимларининг юмуши нақадар сермашаққат эканлигини яқинда яна бир карра ҳис қилдим.

Шу йилнинг йигирма учинчи ноябрида ҳовлимиздан отимни ўғирлаб кетишиди аллакимлар. Эртаси куни маъзум бўлдикни, шу тун қўщимиз Турибекнинг ҳам саманини гумдон қилишибди. Аҳволимиз чатоқлашди. Ахир, қишлоқда фақат иковимизда от бўлганлиги боис қарориб юрадик-да.

Биз гарантисиган кўйи Арнасой тумани ички ишлар бўлимига бориб ариза ёзди. ИИБ жиноят қидирив бўлинмаси бошлиги Муҳаммад Атабуллаев бир-икки ходимлар билан дарҳол ишга киришиди. Участка назоратчиси Аҳмедов ҳам кўмакка отланди. Тўғриси, биз тулпорларимиздан умид узиб қўйгандин. Шундай ташвиши кунларнинг бирида најот қўёши порлаб, тушкунлик туманини тарқатиб юборди. Үн кунлик «сўра-сўра», «изла-изла»дан сўнг қўлга тушиши «азаматлар».

Биз шу ўринда дардимизга шерик бўлган, мушкулимиини енгиллаштирган милиция ходимларига ташаккур билдиримоқчимиз. Отасига минг раҳмат уларнинг!

Михтибек БЕКЖОНОВ.

Иккичи декабрда ўтар кечаси туман матлубот жамиятлари уюшмасига қарашиб, 6-ёч материаллари дўконининг қоровули дод-фарёд кўтариб, Бағдод тумани ички ишлар бўлнимининг навбатчилик қисмига кириб келди. Унинг тушунтиришича, дўконнинг деразаси чил-чил синдирилган, ичкаридаги қирқ иккى минг сўм ва керакли ҳужжатлар жойланган темир сандиқ изизин йўқолтади.

Уч кечакуидуз тинимисиз изланишлар зое кетмади, охири жиноятчиларнинг изи тошилди. Улар туман марказида яшовчи, њеч қаерда ишламай юрган А. И. ва М. Б. ҳамда Мирзаобод қишлоғида яшовчи П. А. лар экан.

Жиноятга қўл урганларнинг уйи тинтув қилинганда, катта сўммадаги пул, совук қуроллар ҳамда қора икоблар тошилди. Дастлабки суриштирувларданоқ маълум бўлдикни, улар яқин орада яна боқиличлиқ қилиш ниятида эканлар. Хайрият навбатдаги Ғалокатнинг пайи қирқилди. М. ИСОКОВ.

СУРАТЛАРДА: катта теровчи милиция капитани Иброҳимжон Холдоров ва жиноят қидирив катта оператив вакили милиция капитани Мадамин Дехқоновлар далил ашёларни кўздан кечиришмокда; ИИБ бошлиги милиция майори Аҳаджон Саримсоқов қидирив гуруҳига топшириқ бермоқда. Гуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.



ИССИҚ КУНЛАР КЕЛАДИ

Иўлингиз тушиб, Қибрай тумани ИИБга борар бўлсангиз, қалинроқ кийиниб олишингизни маслаҳат берамиз. Нега дерсиз? Чунки бўлим биноси иситилмайди. Ходимлар шинель, пўстинларини ечишмай, қалт-қалт титраганча ҳужжатлар тўлдиришади. Ҳужжатларнинг нуқта, вергули бўлмаса, сира хафа бўлманг. Негаки,

тиниш белгиларини қўйгунча қўлларни иситиб олган тузук.

Биз эса туман ИИБ ходимларига янги йил бошида тилагимиз битта. Умиднингизни узиб, рӯҳан тушкунликка тушманг, йигитлар! Иссик кунлар келади. Ишонинг!

М. ИБРОҲИМОВА.

МАЗМУНИЛИ КЕЧАЁТГАН

УМР

Бундан 25 йил мұқаддам құжаттариниң құлда түтиб үчкілар ишлар идорасында өтсіраб кирип келген Абдуқашхор Абдуқодировга бу дарғақ қозирда ўз хонадонидек қадрдан бўлиб кеттган. Чунки у шандан кейинги ҳәттіни милиция билан борлаган эди. Уқиди, ўрганды. Қисқаси умрининг энг жүшкін йилларини жиноятычиликка қарши курашга багишлади.


Абдуқашхор ака оддий милиционерлардан офицерлик даражасында, инспекторлардан туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари даражасында кўтарилил. Ҳалол меҳнат билан элга танилди. Кишиларнинг ишонган ҳимоячисига айланди. Раҳбарият томонидан 25 марта тадбирларни шиғардиган гапимнинг исботидир. «Ички ишлар вазирлигининг аълочи ташвиқотчиси» ишонган ҳам ҳуқуқ-тартибот ишларини ҳалқ орасида ташвиқот қилиб ижобий ютуқларга эришгани учун берилган.

А. Абдуқодиров қозирда Фориш тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция подполковники. Ҳавас қиласа арзугидек оиласа бош. Ҳа, бунинг учун Абдуқашхор ака турмуш ўртогига қўллуқ қиласа арзиди. Чунки болалар тарбияси ва умуман турмуш ташвишлари асосан шу аёлнинг зимасига тушди. Бундан ташқари тонг саҳарда ишга кет-



ган турмуш ўртогини баъзан ярим тунгача кутиб туради. Агарда Абдуқашхор ака иш билан бўлиб уйига келолмай қолса, бу муштипар аёлга ҳам уйқу йўқ. Бироқ эрта тонгда ўзи ҳам ишга кетади. Хуллас шу тартиба 25 йил ҳам ўтиб кетди. Абдуқашхор аканинг сочларига оқ ҳам тушди. Бу сочлар халқ гамида оқарди. Бироқ у ҳали бақувват. Чехрасида ҳорғинлик ҳам сезилмайди. Аммо нафакага чиқиши вақти келяпти. Энди бу ёғига набиралар тарбияси уни кутади. Етти нафар фарзанди эса Абдуқашхор аканинг хизматида бўлади. Катта ўғли ота изидан бормоқда. У ҳозир ички хизмат кичик лейтенант. Демак 25 йил давомида ортирилган тажрибадан ўғил ва бошқа ёш ходимлар баҳриманд бўлишади.

И. МИНАВВАРОВ.



ҲАМЗА тумани ИИБ терлов бўлинмаси ходимлари милиция лейтенантлари Содиқ Норқўзиев ва Олимжон Мамашев номлари ИИБда илиқ сўзлар билан тилга олиниди.

Серҳаракат ходимлар жиноятычиларнинг ҳаракатлари ҳақида тўлиқ маълумот тўплаб, ишга объектив баҳо берадилар.

СУРАТДА: терловчилар С. Норқўзиев ва О. Мамашев туманда истиқомат қиладиган Ю. Овчининдан мусодара қилинган нашани кўздан кечиртилар.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

БОЛАКАЙЛАР

Эҳ, ёшлар! Уларга нима етишмаскин-а? Марат 1977, Абдугани 1976, Дмитрий 1975 йилда туғилишган, 14-15 ёшли болакайлар. Улар «Ленин йўли» жамоа хўжалигига жойлашган 6-озиц оқиёт дўконига ўтириликка тушшган.

Учовлон 50 дона «Русская вода» арги, 1 килограмм печене, 25 сўм нақд пул,

М. ИСРОИЛОВА.

жами 695 сўмлик молларни ўмарашгану дўкон қоровули ҳеч нарсадан хабар топмаган.

Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ходимлари болакайларнинг изига дарҳол тушшди.

Туман ҳалқ суди уларнинг ёшини ҳисобга олиб, айбларини ювишга фурсат берди.

Йўл азоби — гўр азоби, деган иборани биласиз. Айниқса, олис сафарга бориб келган киши бу иборани жилла-қурса бир марта айтади. Бу, албатта, тор маънода. Агар кенг доирада олиб қарайдиган бўлсак-чи?

Аввалги йўлларнинг уйдум-чуқурлиги, лой-балчиқлиги, отаравалар қатнови учун ўнгайсизлиги юқоридағи мақоланинг туғилишига сабаб бўлган. Ҳозирги йўлларни олдингиларига қиёслаб бўлмайди. Кенг, равон, чароғон.

Аммо, барибир, йўл азоби — гўр азоби. Автоуловлар кўпайгани, йўлларимизда қурилышлар авж олгани сайн йўл ҳаракати қоидалари ҳам такомиллашиб бораяпти. Ҳозир кўчаларда пиёда, уловда юриш учун қанчадан-қанча қоидаларни билиш зарур бўлиб қолди. Белгилар, кўрсатқичлар алоҳида бир дунё.

Бугунги шароит эса тартиб-интизомни яна ҳам мустаҳкамлаши тақоза этмоқда. 1991 йил 15 апрель кунги «Тошкент оқшоми» рўзномасида «Чорраҳабон зарур» деган мақолам чиққан эди. Афсуски, унда билдирилган мулоҳазаларга ДАН зинҳор эътибор бермади. Менинг мақсадим қалам ҳақи олиш эмас эди. Лекин қўлни юваб, қўлтиқида уриш одатиди йўқ. Шунинг учун Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлигининг минбари — «Постда» рўзномаси орқали фикримни яна бир бор баён қилишга аҳд қилдим. Зоро, мустақил жумҳуриятимизнинг гуллабяшинаши ҳар бир вазирлик, ташкилот, корхона хизматчилиарнинг, ҳар бир одамнинг ўз вазифасини вижданон бажариши, қабул қилинган умумий қоидаларга бўйсуншига боғлиқ.

Мен тошкентликман. Ўн тўрт йилдан буён шахсий автоуловни бошқараман. Ҳар куни машинамга ўтириши олдидан йўлларнинг беҳавотир, ҳар хил фалокатлардан ҳоли бўлишини яратгандан илтижо қиласаман.

Афсуски, Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобил назорияти ишида камчиликлар талайгина. Мен Дўмбирибод мавзесида яшайман. Ишим — Тошкент давлат дорилғунунида. Ўдан ишхонага боргунча ўн тўртта светофордан, еттига гавижум чорраҳадан ўтаман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонман, деярли ҳар куни кам деганда иккита светофор ишламаётган бўлади. Эрта билан ишга бориша, кечқурун қайтишида «Чилонзор» метроси, «Шуҳрат» магазини, Шофайзи, Беруний майдони, Юбилей саройи чорраҳалари тўстўполон бўлади. Шу чорраҳалarda светофор ишламай қолса, тартибсизлик, бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон авжга чиқади. Хабарингиз бордир. Беруний чорраҳаси бир йилдан ортиқ муддатдан бери йўлсозлар «ҳукимида»: йўлнинг ҳали у томони, ҳали бу томони кавлаб ташланади. Бу чорраҳадан юрагини ҳовчулаб ўтмаган ҳайдовчи бўлмаса керак. Генерал Узоқов кўчасини кесиб ўтадиган трамвай йўлида деқабрь ойида созлаш ишлари бошлаб юборилди. Забт қилинса, бир кечакундузда бажарилиши мумкин бўлган иш ярим ойга чўзилди: автоулов ҳаракати ўта муракаблаштирилди.

Дўмбирибод-Талабалар шаҳараси йўналишида аҳвол чатоқ бўлса, бошқа жойларда, чорраҳалarda бундай масдир деб ўларсиз. Имомнам комилки, шахримизда шундай мураккаб йўллар, чорраҳалар борки, уларнинг

олдида мен ҳаракат қиласи. Йўналиш ҳолва. Шаҳар бўйича ҳар куни 20 фоиз светофор турли сабабларга кўра ишламайди десам, сира лофт бўлмайди. Назоратсиз айланма йўл, чорраҳалар ҳаддан зиёд.

Ҳозирги иқтисодий танглик пайтида ҳамманинг асаби тарапи: арзимас камчиликлар ҳам түядай кўринмоқда. Бундай вазиятда ДАНнинг тадбиркорлиги, удабуровонлиги ниҳоятда асқотади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини белгилайдиган аниқ таклифларимни айтмоқчиман. Шаҳарларда (аҳолиси бир, иккى миллиондан ортган шаҳарлар назарда тутилади — А. Р.) чорраҳа назоратчisi — ДАН ходимидан ЧОРРАҲАБОН тайинланиши лозим. Тошкентнинг энг гавжум, йўл-улов ҳодисаси хавфи кучли чорраҳаларига ДАН ходимининг доимий будка (хонача)сини ўрнаниш керак. Чорраҳабон ҳаракати хавфсизлигини назорат қиласи, светофор ишламай қолса, йўл ҳаракатини ўз қўлига олади, бетартиб йўловчи, автоулов ҳайдовчи-

шошилаётган йўловчини тушуниш мумкин. Лекин айни вақтда тартиббузарлик (йўлнинг ўртасига чиқиб олиш) баҳтисиз ҳодисаларга ҳам сабаб бўлиб қолишини уннутмаслик керак.

Йўловчи тартиби ҳақида мулҳазаларимни якунлаб, бундай тақлифларни киритмоқчиман. ДАН мактаб, олий ўқув юрти, корхоналарда маҳсус машгулотлар ўқизаби туриши лозим. Қоидани бузган йўловчиларга нисбатан қаттиқро чораларни қўллаш жоиз. Менинча, «Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирилиги матбуот маркази хабар қиласи» ойна жаҳон кўрсатувида мунтазам равишда қоидабузар йўловчиларни, уларга нисбатан қўлланган чора-тадбирларни кўрсатиб бориш шарт.

Пировардиди яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, Катта Ўзбек йўли — жумҳуриятимиз фахри. Бу йўлдан юрган ҳайдовчи, йўловчи борки, ҳаракати хавфсизлигини назорат қиласи, светофор ишламай қолса, йўл ҳаракатини ўз қўлига олади, бетартиб йўловчиларига оид юзлаб кўрсаткич, белгилар билан танишади. Узоқ манзилни тутган киши ДАН ходимларининг машақат-

БУГУНГИ КУН МУАММОЛАРИ

ларига танбеҳ беради, ганиб қолган йўловчиларнинг сўровларига жавоб беради, белгисиз, шубҳали автоуловларга назарни тушади. Чорраҳабон бор жойдан ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам қоидали юради, ҳар хил қоидабузарларнинг олди олиниади. Яна шуниси борки, бирон ерда баҳтисиз ҳодиса рўй берса, тўппа-тўғри чорраҳабонга мурожаат қилинади. ДАНга ўюрг, телефон-автомат топ сингари ташвишлар камаяди. Чорраҳабонлик тартибини жорий қилиш ДАНнинг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлайди, ёғин-сочин пайтида ДАН ходимининг ивоб туришидан асрайди.

ДАН хизматига доир иккичи тақлиф ҳам бор. Йўловчи ҳаётини муҳофаза қилиш — ҳар бир ҳайдовчи, ҳар бир ДАН ходимининг асосий бурчи. Баҳтисиз ҳодисалар олдини олишда ҳайдовчи зийраклиги ДАН ходимининг куйди-пишилиги етарли эмас. Қарс иккى йўлдан чиқади. Йўловчининг тартиблилиги хавфсизликни бош милидир. Афсуски, йўл ҳаракати қоидаларини бузишда бизнинг йўловчилар олдига тушадигани хеч қаерда бўлмаса керак. Ер ости йўллари бўла турли, улар улов олдини кесиб ўтаверадилар. Қўпинча қоидабузарлар ҳайдовчига дўқпўписи килишдан ҳам тойишмайди. Светофор уларга ҳам йўл кўрсатишини хаёлларига келтирмайдилар. Ёшлар ўтасида автоулов билан ўйнашиш қусури пайдо бўляпти. Кутимзандан машина олдидан кимдир «лип» этиб ўтиб қолади. Юрагингиз «шиғ» этади. Четда кузатувчанлик қилаётган иккича тақасалтанд «хунар» кўрсатган дўстининг мардлигини табриклаб хохолайди.

Троллейбус, автобус, трамвай ҳаракати нотартибликлар кўпайиши натижасида бекатларда йўловчилар тўпланиб қолишаётган. Бундай пайтларда айрим бетоқатлар йўлнинг қоқ ўртасига чиқиб, ўткини автоуловларни тўхтатишига, йўлини тўсишига ҳаракат қиласи. Йўллар манзилгоҳига

ли, айни вақтда ўта зарур юмушларининг гувоҳи бўлади. Ҳар 100, 300 метрда бирон белги, кўрсаткич, маълумотга дуч келасиз. ДАН ҳақиқий ҳамроҳйигиз эканлигини гувоҳи бўласиз. Жиззахга боргунча бўлган йўлнинг созлиги ҳамманинг дилини равшан қиласи. Сармарандга етмай Ургут йўналишига бурилиб. Омонқўтон томон юришдаги йўл ҳам унча ёмонмас. Қашқадарё вилояти худудига ўтишинг билан йўлнинг сифати ўзгарида, белги, кўрсаткичлар етарли. Лекин Оқработдан Сурхондарё вилояти худудига ўтишинг билан йўлнинг сифати ўзгарида, белги, кўрсаткичлар кескин камайиб кетади. Айниқса, Шеробод тумани марказидан ўтадиган йўлга этиб олгунча автоулов ҳам, ҳайдовчи ҳам қийналиб кетади. Йўлнинг носозлиги машинани, белги, кўрсаткичларнинг камлиги ҳайдовчини эзади. Шеробод-Термиз йўли (Тошкентдан боришда) тушидан олиш учун айланма йўлга дуч келасиз: ўнга, сўлга, тўғрига йўл кетган. Шу ерда ҳайдовчи Термиз йўли қайсилигини аниқлаб олиш учун бирон йўловчини ёки ҳайдовчини кутиб туради. Зоро, бу мушкулни битта кўрсаткич ҳал қилиши мумкин эди. Қувонарлиси, йўл жуда равон. (Бобомиз Имом ат-Термизий юбилейи муносабати билан эпақага келтирилган бўлса керак). Сурхондарё йўлларини текис, белги, кўрсаткичларга бой қилиш учун тарихий сиймолар юбилейини, чет эллардан меҳмонлар келишини кута берамизми?

Йўллар — мустақил жумҳуриятимизнинг томирлари. Улардаги ҳаракатнинг тартиблилиги, хавфсизлиги мингминглаб йўловчи, ҳайдовчилар кайфиятни хуш ишини унумли қиласи. ДАН ходимининг фаолияти согломлигимиз, хушкайфиятлилигимиз гаровидир. Уларнинг мураккаб ишида муваффақият тилайман.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
ТошДД доценти, филология фанлари номзоди.

ХАРОМ ТЕШИБ ЧИКДИ

Оғзи ошга етган чоғи Нурбек аканинг бурни қонади. Тўйга атаб бояқб юрган бўрдоқини гумдан қилиб кетишибди инсоғисизлар.

Нурбек ака фурсатни бой бермасдан туман ички ишлар бўлимига хабар қилди. Жиноят қидирив бўлинмаси бошлиғи милиция катта лейтенанти Комил Ўролов дарҳол ходимларни тўплаб вазиятни тушунтирди.

— Мол ўғрилари кўпайиб кетди,— деди у ўйчан қиёфада.— Илгари кўпинча қишлокларда изғишарди, энди шаҳарга ҳам оралаб қолишибди. ВЛКСМ 30 йиллиги кўчасидаги хонадонларнинг биридан тўйга атаб бокилаётган бўрдоқини ўғирашибди.

Сўнгра бошлиқ ўғирлика гумон қилинаётган кимсалар ҳакида қисқача ахборот берди. Хусусан, шаҳардаги қассоблардан бирининг номи икки-уч марта таъкидланди. Зийрак жиноят қидиривчи адашмаган экан. Махсус текширувлар, ашёвий далиллар гумон остидаги ўша қассобнинг барча кирдикорларини фош қилди.

Калаванинг уни топилгач, бошка жиноятлар ҳам биринкетин очила бошлади. Маълум бўлишича, қассоб бош-қош бўлган тўдага тўққиз киши уюшган экан. Улардан бири илгари тўрт бор, яна бири уч бор қамалиб чиқсан, уч киши эса ҳеч қаерда ишламас экан. Бу «азаматлар» асосан мол ўғиравш ва сўйиб сотиш билан шуғуланиб, ошиқни олчи тушириб юришган эканлар. Тергов жараённада кейинги бир неча ой ичida фуқароларнинг саккизга қорамоли гумдан килинганини аниқланди. Қисқа вақт ичida ўн минг сўмдан ортиқ ҳаром даромад қилибди улар.

— Яқинда,— деда изоҳ берди К. Ўролов,— туманда гўши танқис бўлиб қолди. Лекин «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги давлат хўжалиги марказида ва катта чорраҳадаги гўшт дўконида савдо бир зум ҳам тўхтамасди. Ҳар куни битта мол сўйиб сотиларди. Ҳаридорлар қассобнинг удаворонлигига қўйил қолишибди. Аммо бу удаворонлик негадир ҳеч кимда шубҳа ўйғотмасди. Ахир, туманда ишчанликда, тадбиркорликда эл оғизга тушган қассоблар ҳам йўқ эмас-ку?! Мана, бу тилсимиң ҳам қалити топилди. Бугун бизнинг кўчада байрам.

Дарҳақиқат, Булунгур тумани ИИБнинг жиноят қидирив бўлинмаси ходимлари ўз меҳнат ютуқлари билан фарҳанишга ҳақлидирлар. Зоро, юрт мушкулини осон қилиш энг олижаноб хизматдир.

К. ХАЛИЛОВ.

— Сен ҳам жўжабирдек жонсан, Абдуҳамид, мамана бу 35 мингни ол, камкўстингга ишлат. Оёқса туриб олганингдан кейин қайтарарсан,— деди.

Эҳтимол ўшандага почасининг бу тантлилигидан Абдуҳамид раҳматликининг боши кўкка етгандир. Ҳар ҳолда бундай одамлар ҳар қандай ғамхўрликни буюк марҳамат тариқасида қабулишибди.

Хуллас, оғёй олти, қўли етти бўлиб бозордан чиқаётганида Бувайда туманида истиқомат қиласидаги танишлари — Худойберган Қипчоқов ва унинг куёви Маҳмуджон Аҳмаджоновларни учратиб қолди. Одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашибди. Шундан кейин Маҳмуджон:

— Битта машина олайлик деб келгандик, пулимиз етмай турибдида, — деб қолди.

Ҳожатбарорликни ўзига азалий ва абадий шиор қилиб олган Абдуҳамид поччасидан олган пулнинг 25 мингини уларга тутқазди.

Ҳалқимизда бир гап бор. Қўрқанга қўш кўринада, дейшиди. Шошилнчда бунданда мосоргини тополмадик. Ҳечқиси йўқ, озгина изоҳ билан бу нақлни мақсадга йўналтириб олса бўлади. Ўша тобда — калаванинг уни топилмай турған бир пайтда анчайин одамлар ҳам шубҳага дучор бўлишарди. Бу одатий ҳол. Шу ўринда бояги нақлни ишлатса бўлар.

Юқорида икки марта айтганимиздек, марҳум қўй оғиздан чўп олмаган одам эди. Аммо...

1987 йилда тумандаги маҳаллий саноат корхонасида катта миқдордаги талон-торожлик фош этилди. Абдуҳамид ўзи хоҳламаган ҳолда судда гувоҳ тарзида иштирок этган ва шундан кейин айбор 4 йилга кесилиб кетганди.

Изқуварларнинг эътиборини ўша воқеа тортди. 4 йил озодликдан маҳрум бўлган аламзода ниҳоят қасд. олган бўлиши мумкин, деб ўйлашибди. Ҳар тугул ундай эмас экан.

Иккичи гумондор Абдуҳамиддан 25 минг сўм қарз олган бувайдаликлар эди. Аммо бу гумон ҳам асоссиз бўлиб чиқди.

Учинчидан, Абдуҳамиднинг барча қариндош-уруғларини ўрганиб чиқиши, ўзбекча айтганда, ғалвирдан ўтказиш керак эди. Энг оғири мана шу. Бир ёқда аза, қариндош-уруғлар қора кийган. Мехрибонларидан ақралиб, диллари вайрон бўлган пайтда

(Давоми. Боши ўтган сонда).



Сидқидилдан ўз хизмат вазифасини адо этган участка инспектори ҳамиша эл олқишига, ўзи билан ишлаётган ҳамкасларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади.


Милиция капитани Бердан Полатов ҳам Октябрь тумани ИИБ участка инспекторлари орасидан сарасидан ҳисобланади.

Ўнинг номини Кўкча маҳалласининг ўшу қариси ҳурмат билан тилга олади. Сабаби у бу ерда ҳалқ осоиши талигини пухта таъминлайди.

СУРАТДА: участка инспектори Бердан Полатов (уртада) маҳалла қўмитаси раиси Восиқ ака Манионов ва фаол отаҳон Абдулла Тўлаганов билан сұхбатлашмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

«ПОСТДА»



ГАЙДА

Сўроқ қилиш ўлганнинг устига тепган эмасми? Аммо илож қанча. Туллик ҳаётининг дастлабки онларига ҳам чидомлай фигони фалакка кўтарилаётган Шарофатга ётиғи билан тушуниши. Ҳар нима бўлганда ҳам ўзбек аёлининг сабр-тоқатига балли. Худо уни ҳар нарсадан қисса ҳам, сабр-тоқатдан, терав ақлдан қисмаган. Барча ургу-аймоқлари рўйхатини тузиб берди. Аммо бир кишини — аммасининг ўғлини унтиб қолдирди. Эслатишганда беларво қўл силтади.

— Умридан барака топсин, ана ҳовлида юрибди. Почасининг ҳалокати чўқтириб қўйди, — деди йиглайвериб кўз ёшлари қуриб битган нигоҳини едан узмай.

«Тогамнинг жасадини экспертизага олиб кетишигандан кейин ҳовли-жойини йиғиштириб юргандик. Қаюм ҳам келди. Мендан кўнгил сўраган бўлди. Яна тогамнинг бегона одамларга пул берганини ачиниб гапирди. Айтиши бўйича, тогамга: «У болалар ёмонга ўҳшайди, ўзингиз ёлғиз борманг, кўпчилик бўлиб борамиз», — деган экан...»

Марҳумнинг жияни Мўминжон Ҳусанов сўзи.

Сезиб турибмиз, муштарайлар жабрланувчи томон вакилининг сўзларини ўқиб, ҳеч нарсага тушунишмади. Буни бир бошдан тушунтириш керак.

Аввало Қаюмжон Розиков ҳакида икки оғиз маълумот. У 1963 йилда турилган, Бешкапа қишлоғлий, икки нафар боласи бор.

У қандайдир йўллар билан (энди бу фақат яратганинг ўзига маълум) марҳумнинг ишончини қозонган. Олдинроқ икковлон Бувайда туманига бирга боришган. Маҳмуджон Аҳмаджонов ҳозир қўлида пули йўқлигини, икки-уч ҳафтадан кейин келишларини илтимос қиласиди. Қайтиб келишгандан кейин эса Қаюмжон марҳумни авраган. «Булар яхши одамларга ўҳшамайди, шошилманд, вақт ўтсиз, ўзимизга қарашли йигитларни тўплаб, кўпчилик бўлиб борамиз», — деган. Ўзи эса 27 сен-

СУРАТДА: қотиллик содир бўлган жойда.

МАШИНА КУШАНДАЛАРИ

Тезкор-тергов гуруҳига биркитилган катта тезкор вакил милиция капитани Алиқул Жубоқов, терговчи милиция капитани Мухтор Мўминов, тезкор вакил милиция лейтенанти Йўлдош Рисқиев, участка вакил милиция катта лейтенанти Тўлқин Умаркуловлар ишни аниқ режа бўйича ташкил этдилар ва жиноий гурух қўлга тушунига қадар тиним билишмади. Янги далиллар излаб вилоят ва шаҳарларни деярли барча туманларни, бошқа вилоятларни ҳам кезиб чиқишиди. Ҳатто қўшни жумхуриятларга боришга тўғри келди.

Олдинига ҳар бир ўғирликининг тафсилоти чуқур ўрганилиб чиқилди. Ўнинг суроштириб ишлари бошлаб юборилди.

Аввалиг тўплланган, кейин йигилган маълумотларнинг бир неча кунгри таҳлилдан сўнг бу жиноятларни очиш имконияти борлиги маълум бўлиб қолди.

Фаришталар қўлни ювиб, қўлтиққа урадио шайтон елкадан ўтиб, бўйинга миhib олади, шунинг учун худони эсдан чиқармаслик керак», — дердилар.

Кейинчалик бу гапларни ўйлаб кулардик. Энди эса чуқур ўйга толамиз. Атезиз деган фарни гуркираб ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар фалсафасидан кўра оғизда тиши қолмаган бувимизнинг ақида-си ҳаётйроқ эканлигини тан оламиз. Тўғри, ҳозир ҳам аниқ бир нарса деб олмаймиз. Эҳтимол нозанин қизлардек сулув фаришталар (мурғак тасаввуримиздаги) ва бадбашара шайтон аслида йўқдир...

Бозор иқтисодиёти деган чақирилмаган меҳмон эшик қоқиб келдию ҳамма нарсанинг, пулнинг (шу жумладан инсоннинг ҳам) қадри пасайиб кетди. Ўша 9 минг сўмнинг 900 сўмчалик саломоги қолмади. Аммо буни баъзилар (шу жумладан, нобакор Қаюмжон ҳам) тушиниб етгани йўқ. Ўша лаънати 9 минг сўм ва қолаверса қўлга киритажак 16 минг сўм учун қариндошига хуфёна кафандибичганини қаранг!

Ҳали-ҳануз эсимизда. Ёш эдик. Саксондан ошган бувимиз бозиллаган сандалда ўтирган чоғларимизда насиҳат қиласидилар. «Одамнинг ўнг елкасида фаришталар, чап елкасида шайтон ўтиради. Фаришталар яхши йўлга бошламоқчи бўлади, шайтон эса унга тусқинлик қиласиди. Кимнинг имони суст бўлса,

Тошпӯлат БОЛТАБОЕВ, Фарғона вилояти Киров тумани прокуратураси терговчиси, Раҳмонали ҚОСИМОВ, «Постда»нинг маҳсус мухбири.

(Давоми келгуси сонда).



Меҳнатлар зое кетмади. Тўқиз қишидан иборат, мунтазам шу иш билан шуғулланни келган жиноий гурух аниқланади. Дастилабки маълумётларга кўра уларнинг ҳисобида 5 та ўғирланган енгил машина, яна бер қанча майда ўғирликлар бор эди.

Гурух аниқ ва пухта ишлаб чиқилган режа асосида моҳирлик билан қўлга олинди. Кўп кунлик сўроқлардан кейин улар томонидан 43 та жиноят содир этилгани аниқланди ва очилди.

Айни кунларда дастлабки тергов ишлари тутатилиб, иш судга оширилди.

Ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарган изкуварлар муносиб тақдирландилар.

М. МИРСОВУРОВ,
ички хизмат майори.

Хоразм вилояти ичкни ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби жиноят қидирив бўлганинг катта оператив вакили милиция майори

Омонбай МАДРИМОВНИНГ фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг онга аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиласиди.

